

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ



ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар
ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” муносабати
билан ҳамда Ўзбекистон Миллий университетини ташкил
топганлигининг 100 йилигига бағишланган Вазирлик
миқёсидаги илмий-амалий конференция
МАТЕРИАЛЛАРИ

17 апрель 2018 йил

Тошкент -2018

89.	Файзиёва М.	Олий таълим тизимида психологик хизмат ва унда ижтимоий психологик қиёфанинг психологияда таҳлил этилиши	267
90.	Эшонқулов Н.О.	Абу Райҳон Беруний асарларида психологик фикрлар талқини	269
91.	Қаршиёва Д.С.	Ўсмирлик даврида ижтимоий-психологик установакаларни намоён бўлиши	273
92.	Кудратуллоева Р.Б.	Подходы в изучении синдрома эмоционального выгорания	275
IV. ШУЪБА. ПСИХОЛОГИК АМАЛИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ			
93.	Абдусаматов Х.У.	Никоҳдан ташқари муносабатлар ижтимоий - психологик муаммо сифатида	278
94.	Абдуқаҳхорова Г.Бердиева Г.	Психологик хизмат-ижтимоий тараққиётнинг муҳим омил сифатида	281
95.	Абидова З.А., Джалалов У. Д.	Прикладные аспекты исследования толерантности	284
96.	Азизова Ш.В.,	Иқтидорли болаларнинг хусусиятлари	287
97.	Алимбаева Ш. Т.,	Ўзбек халқ мақоллари миллий менталитет ифодаси сифатида	289
98.	Атабаева Н. Б	Альтруистик ҳуққ мотивлари	292
99.	Бабаджанова С.А.	Таълим тизимида менеджерлик – илмий бошқарув	294
100.	Бадритдинова М.	Талабаларда ўқув фаолиятида юзага келадиган стрессларнинг психологик асослари	297
101.	Бекназарова Л.С.	Инкирозли вазиятларда суицидал хавф ҳолатлар психопрофилактикаси	300
102.	Бозоров А.А.	Эмоция умумпсихологик муаммо сифатида	303
103.	Ғазиева Ф.	Психоактив моддалар (пам)га мойил шахсларда ўз-ўзини баҳолашнинг аҳамияти	307
104.	Jabbor А.М.	Diniy matnlarni idrok etishning psixolingvistik jihatlari	308
105.	Закиров Ф. А	Гиёҳвандлик воситасини ўтказувчи шахснинг ижтимоий портрети	310
106.	Қодиров К.Б	Индивидуал асимметрия қиёфаси ва когнитив стиль	314
107.	Мамадалиев С.	Девиантты мінез-құлықты балалармен жұмыс: ұжымдық тәрбие тәсілдерін жаңғырту	318

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ-ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Абдуқаҳҳорова Г. Қарши ДУ

Бердиева Г. Қарши ДУ

Тараққиёт аслида бизни ўраб турган моддий ва маънавий оламдаги қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, номувофиқлик ва муаммолар ечими натижасидир. Ижтимоий-маданий тараққиётда эса инсон омили-бош омил сифатида намоён бўлиб келган. Инсоният тараққиётининг тарихий давларида кишиларда ички рухий (психик) имкониятлар юзага чиқа бошлаган, яшаш учун туғма майл ва лаёқатлардан узлуксиз фойдаланиш жараёнларида уларда аста-секин билим, тажриба, малака, маҳорат, қобилият, ва истеъдод шакллана борган. Инсоннинг биологик, психологик ва ижтимоий ривожланиши натижасида ер сайёрасида моддий дунёнинг мавжудлигини англаш юз берган, унда инсон яхши яшаши учун қулай имкониятларни узлуксиз қидириши оқибатида маънавият, ёзув, санъат, адабиёт, фан, техника яратилган. Буларнинг замирида инсон онги, тафаккури, ижодиёти (хаёлот), ақл-заковати, кучли иродаси, мустақкам характери ётганлиги табиий. Инсоният тараққиётининг муайян босқичида инсон тафаккури ва ақл-заковати ўзини-ўзи англашга йўналтирилганлиги билан алоҳида характерланади. Натижада инсоннинг онгли мавжудот сифатида намоён бўлиши, унда нутқ ва тафаккурнинг шаклланиши, ақл-заковатнинг содир бўлиши, унинг ижод қилиши ва янгилик яратиши, инсон ўзига-ўзи таъсир қилиб фаолиятини онгли бошқаруви қандай қонуниятлар асосида содир бўлиши каби турли-туман муаммолар ўз ечимини топишни такозо этган. Шу тариқа инсоният тарихида психологик билимлар юзага келган ва ўзини-ўзи англашнинг омилига айланган, улар борган сари тобора уйғунлашиб, такомиллашиб бориб ҳозирги босқичга кўтарилган. Инсонлар орасида психологик хизмат кўрсатиш масалалари ҳам шу тариқа шакланган бўлса ажаб эмас.

Инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида одамларнинг ҳаёт кечириши, турмуш тарзи, ўқиши ва меҳнат фаолиятида қанчалик афзалликлар юзага келган бўлмасин, шу баробарида турли-туман муаммолар ҳам шаклланаётганлигини тан олиш зарур. Мазкур муаммоларнинг аксарияти инсонлар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор бўлганлиги учун психологик муаммолар ҳисобланади. Шу боис, ҳар бир муаммони ечишда психологик билимларга таяниш, психолог мутахассислар маслаҳатига амал

килиш зарурат эканлиги инсонлар ҳаёти ва жамият тараққиётида кўп бор кузатилмоқда.

Психологик хизмат дастлаб амалий кўринишда АҚШда 1800 йиллардан бошлаб ривожлана бошлаган. АҚШнинг биринчи амалиётчи психологлари аввалига одамларда ўзини-ўзи тарбиялаш муаммосини ўрганишга, кейинчалик мактаб ўқувчиларининг ақлий тараққиёт коэффициентини аниқлаб, улар учун зарур таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш масалаларини ҳал қилишга ҳаракат қилган.

Францияда 1894 йиллардан бошлаб психологик хизматга алоҳида эътибор берилди бошланди (асосчиси Алфред Бине). Ўша пайтдан бошлаб Франция мактабларида ўқишга қийналаётган ёки тарбиясида қийинчиликлар mavjud бўлган болаларни ўрганиш орқали муоммолар сабабларини ёки тарбиявий ечимлар топишнинг психологик қонуниятларига хос дастурий психологик хизматлар ташкил қилинган.

Психологик хизмат кейинчалик Эстонияда (1975 й), Чехословакияда (1980 й), Россияда (1982 й) (собиқ иттифоқ республикаларида ҳам) аста-секин ривожлана бошлади. Психологик хизмат дастлаб таълим тизимида юзга келаётган муоммолар ечимига йўналтирилган бўлса, кейинчалик психологик хизматнинг фаолият доираси кенгайиб ижтимоий тармоқнинг ҳамма соҳаларига кириб кела бошлади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016- йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди” деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. (Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.)

Ҳозирги даврда инсонлар учун психологик хизмат кўрсатишнинг беш йўналиши амалиётда кенг жорий этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: 1.Психологик маориф ва маърифат. 2.Психодиагностика. 3.Психопрофилактика. 4.Психокоррекция ва психик ривожлантириш. 5.Психологик маслаҳат.

Психологик хизмат кўрсатишнинг мазкур йўналишлари психотерапевтлик характерга эга бўлиб, инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва мекон фаолиятига дахлдор муаммоларни ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсонларнинг турмуш тарзида, оилавий муносабатларда, ёшлар ҳаёти ва таълим тизимида, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида

психологик хизмат кўрсатиш ҳамда психотерапевтик жараёни амалга ошириш кўп жihatдан ҳар бир инсон учун хос бўлган индивидуал психологик хусусиятларни ўрганиш, миллий-маданий, миллий-психологик ҳамда худудий шарт-шароитларни эътиборга олиш билан узвий боғлиқдир. Психологик хизмат кўрсатиш объектларини (психологик хизматга зарурати бор одамларни) атрофлича ўрганиш натижаларига кўра, психотерапевтик йўналишлар учун характерли бўлган муаммолар кўпинча қуйидаги омиллар (сабаблар) таъсирида инсонларда шаклланиши кузатилади:

- инсонга хос зарур сифат ва фазилатларни етарли даражада шаклланмаганлиги;
- ҳаётда тўғри йўналиш ололмаганлиги;
- ўзида шаклланаётган камчиликларни пайқамаслик;
- ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмаслик;
- ўзига (ўз имкониятларига) ишонмаслик;
- ён атрофидагилар билан бўлган ўзаро муносабатларидан қаноатланмаслик;
- ўзаро тушунмасликнинг келиб чиқиши;
- безовталиқ даражасининг ошиши;
- бошқалар фаолиятига, нарса ва воқеалар ривожига тўғри баҳо бера олмаслик;
- одамлар билан низолар чиқишига йўл қўйиш;
- одамлар билан ўзаро муомалага киришишда укувсизлик, ўзгаларнинг фаолияти, муносабати ва ҳатти-ҳаракатлари таъсирида муаммоларнинг шаклланганлиги ва бошқалар.

Психотерапевтик хизмат йўналишлари бир-биридан анча фарқлидай кўринсада, улар биринчи навбатда шахсга амалий психологик ёрдам кўрсатиш учун қуйидаги муаммоли вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилиши зарур:

- инсоннинг ўз ҳаёт йўлида юзага келган муаммони аниқлаши ва уни ечишига;
- инсон ўзлигини англаши учун шахсга хос сифат ва фазилатларни ўрганиши ҳамда уни ўзидагилар билан такқослаб, психокоррекция ва психик ривожлантиришга эҳтиёж сезишига;
- инсон ўз атрофидаги одамлар билан муносабатини ўрганиб, ҳатоларини тушиниб тузатишига;
- инсон ўз ҳаёти давомида юзага келган муаммоларни ечиш йўлларини киндириши ва мутахассис маслаҳатига амал қилишига;

- муаммони ечиш учун белгиланган қарорни амалда қўлланилиши ва самарасини назорат қилишига;
 - психотерапевтик таъсир жараёнида шахснинг хулқ-атворида юз берган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаб боришига.
- Умуман олганда, инсон ҳаётида юзага келадиган муаммоларнинг шаклланиш омилларини психологик таҳлил қилиш, унга нисбатан зарур психологик чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш, натижаларни туғри баҳолаш ҳамда асосли қарор қабул қилиш албатта, психотерапевтик хизмат маркази фаолиятига ва ташкилотчисининг психологик саводхонлигига кўп жihatдан боғлиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов . И.А. “Юксак маънавият - енгилмас куч” - Т., “Маънавият”, 2008. -176 б
2. Московичи С. Социальная психология. 7-е издание. - Москва. Санкт-Петербург..., “Питер”, 2007. -592 с.

ПРИКЛАДНЫЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ТОЛЕРАНТНОСТИ

Абидова З.А. (Национальный Университет Узбекистана)
Джалалов У. Д. (Ташкентский Институт Усовершенствования Врачей)

Сегодня на первый план выдвигаются ценности и принципы, необходимые для общего выживания и свободного развития. В обеспечении социально-экономического развития страны, в подготовке духовно-зрелых и конкурентноспособных специалистов, несомненно, важную роль играет толерантная среда.

Неоценима роль толерантности в формировании демократического государства и справедливого общества, для которого приоритетное значение имеют простые и ясные принципы «формирования нового облика нашего государства», «интересы человека превыше всего», являющиеся основной целью проводимых сегодня в нашей республике реформ. Призыв принятия резолюции Генеральной Ассамблеи “Просвещение и религиозная толерантность» направленной на развитие толерантности[1]также показывает роль толерантности в обществе.

Динамичное продвижение Республики Узбекистан по пути построения демократического правового государства и открытого гражданского